

## ҚАХРАМОНЛИК ЭПОСИ - “АЛПОМИШ” ДОСТОНИДА БАҲС МОТИВИ

Феруза ҚОСИМОВА,

“ТИҚХММИ” МТУнинг Қарши ирригация ва  
агротехнологиялар институти тадқиқотчиси

Қаҳрамонлик достони “Алпомиш” – ўзбек миллати ўзлигини намоён этадиган ҳамда авлодлардан авлодлаарга ўтиб келаётган бебаҳо эпосдир. Алпомиш – достони бизга инсонпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиласиз қўрғонини қўриқлашга, дўсту ёrimизни, ор-номусимизни, ота-боболаримиздан қолган муқаддас қадриятларни ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади. Албатта, Алпомиш достони бу – бутун ўзбек халқининг маънавий мулкидир.<sup>1</sup>

Донғи дунёнинг турли бурчакларига етган бу достонни ўзбеклар “Алпомиш”, қорақалпоқлар “Алпамис”, қозоқлар “Алпамис батир”, олтойликлар “Алип-Манаш”, қозон татарлари “Алпамша”, бошқирдлар “Алпамиша ва Барсин ҳилуу” деб номлаганлар. Мамлакатимизда “Алпомиш” достонининг вариантлари 1922 йилдан бошлаб ёзиб олинган.<sup>2</sup>

Ёдгор Бахши, Тилла Кампир, Жоссоқ шоир, Амин Бахши, Шерна Бахши, Эргаш Жуманбулбул, Фозил Йўлдош, Пўлкан шоир каби достончиларнинг ноёб қобилияти, юксак маҳорати туфайли “Алпомиш” бор салобати ва нафосати бизгача етиб келган.<sup>3</sup>

“Алпомиш”дек қаҳрамонлик достонлари кўчманчилик ва ярим кўчманчилик ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ. Бир қатор уруғ ва қабилаларнинг муайян халқ сифатида ташкил топиши, илк давлатчилик куртакларининг пайдо бўлиши ва шу муносабат билан халқлар ва

---

<sup>1</sup> <https://e-tarix.uz/component/content/article/43-davlat/83-alpamish.html>

<sup>2</sup> <http://ich.uz/uz/materials/articles-books/415-article-1>

<sup>3</sup> <https://aza.uz/uz/posts/lib-ayta-tirilgan-doston-06-11-2019>

элатларнинг ўз мустақилларни учун чет эл босқинчиларига қарши мардонавор курашлари қахрамонлик достонлари учун бой материал бўлган. Ана шундай қахрамонлик достонларидан бири соф ҳолда “Алпомиш”дир.<sup>4</sup>

Хозиргача унинг ўттиздан ортиқ достончилардан қирқقا яқин варианtlари қоғозга туширилган. Бу варианtlар орасида энг мукаммали, бадий жиҳатдан энг юксаги ўзбек халқ шоири, бахши Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олингани ҳисобланади. Унда шоирнинг юксак достончилик маҳорати тўла намоён бўлган.<sup>5</sup>

“Алпомиш” достони ҳам халқимизнинг қадим тасаввурларини ўзида намоён этган, эпик санъаткорлар томонидан асрлар давомида куйланиб келинган энг бебаҳо дурдонадир. Унинг қирқдан ошик ўзбек варианtlари ва турли версиялари мавжуд. Ҳар бир версия ва вариант алоҳида-алоҳида тадқиқотни талаб этади. Мазкур достон нафақат ўзбек, балки дунё достончилигига алоҳида мавқега эга, тарихий асослари қадими, бадий жиҳатдан юксак эпик ижод намунаси ҳисобланади. Бу достон кўп ва хўп ўрганилган. Бироқ ҳали бу достоннинг жаҳон фольклоршунослигидаги ўрни, мифологик асослари, бадий қатламлари, эпоснинг халқимиз тарихи, урфодатлари ва маросимлари, адабий мотивлар билан боғлиқ жиҳатлар такрор ва такрор ўрганилишни талаб этади...

Эпос ва маросим бир-бири билан чамбарчас боғлиқ жараён. Маросимларнинг тарихий илдизларини ёритишида “Алпомиш”га ўхшаш эпосларимизга мурожаат этишимиз табиий. Эпосдаги мотивларни эса маросимлар билан қиёсий ўрганганимизда, уларнинг мазмун-моҳияти тўлароқ очилиши мумкин.<sup>6</sup>

Хўш, достон мотиви нима? Адабиётда мотив (лотинча: мовео-ҳаракатлантираман) сюжетнинг энг оддий компонентидир. Фольклор ва мифологик мотив (Ю.Берёзкин) бир нечта фольклор ва мифологик

---

<sup>4</sup> Муродова М. Фольклор ва этнография. Тошкент, 2006.-Б.78.

<sup>5</sup> <http://ich.uz/uz/materials/articles-books/415-article-1>

<sup>6</sup> [https://uz.m.wikipedia.org/wiki/Motiv\\_\(adabiyotda\)](https://uz.m.wikipedia.org/wiki/Motiv_(adabiyotda))

матнларда учрайдиган тасвир ёки эпизод ва ёки тасвирлар ва эпизодлар тўпламиди. В.Томашевский ўзининг “Адабиёт назарияси. Поэтика” китобида ёзишича, “*Асарнинг ажралмайдиган қисмининг мавзуси мотив дейилади*”. А.Веселовский эса “*Мотив деганда мен ибтидоий ёки кундалик кузатишнинг турли сўровларига мажозий жавоб берадиган энг оддий ҳикоя бирлигини назарда тутаяпман*”,<sup>7</sup> деган. Мотив сюжетнинг энг кичик элементи бўлиб, аксарият халқ оғзаки ижоди (достонларда) ва адабий асарларда учрайди.

Кўп ҳолларда мотив такрорланувчи сўз, ибора, вазият, мулоқот, предмет ёки фикрdir. Кўпинча, мотив атамаси турли асарларда такрорланадиган вазиятни, масалан яқин одам билан баҳс ва хайрлашиш мотивини билдириш учун ишлатилади...

Н.Тамарченконинг фикрича, *ҳар бир мотив икки борлик шаклига эга: вазият ва ҳодиса*. Вазият – бу характерлар ўзларини топадиган ҳолатлар, позиция, муҳим. Воқеа содир бўлган нарса, шахсий, ижтимоий ҳаётнинг муҳим воқеаси ёки факт деб аталади. Воқеа вазиятни ўзгартиради. Мотив адабий асар қаҳрамонлари ҳаётини ташкил этувчи воқеа ва вазиятларни боғловчи энг содда баён бирлигидир.<sup>8</sup> Бинобарин мотив мифология, достон ва эртакларнинг ажралмас элементидир. Баҳс мотиви ҳам достонларнинг муҳим ўзак қисмларидан биридир.

“Алпомиш” достонида ҳам баҳс мотивига мисоллар учрайди. Мазкур эпосда учрайдиган мотивлардан бири – баҳслашиш –шартлашиш мотивидир: 1). Таъқиқларга риоя қилиш орқали тортишиш; 2) Шартларни ўташ орқали беллашиш; 3) Шартлашиш шартларини бажариш орқали баҳслашиш. Шу жиҳатдан баҳслашишни таъқиқ, шарт ва шартлашишдан иборат мотивлар комплекси дея баҳолаш мумкин.<sup>9</sup>

Достондаги баҳс мотивларидан бирида Барчиной душманларга қаратади

---

<sup>7</sup> <https://moscsp.ru/uz/motiv-v-literature-teoreticheskaya-poetika-ponyatiya-i.html>

<sup>8</sup> [https://uz.m.wikipedia.org/wiki/Motiv\\_\(adabiyotda\)](https://uz.m.wikipedia.org/wiki/Motiv_(adabiyotda))

<sup>9</sup> Абдуллаев Х. Халқ оғзаки ижодида мотив тушунчаси/Interdiscipline innavation and scientific research conference. Буюк Британия, Лондон.-Б.51-53.

ғуурүр билан: “Менинг ёрим Бойсун султони” деб айтади, Кўкаман алпни енгиб.

*Унга қурбон мендай ойимнинг жони,  
Менинг тўрам, билсанг, Бойсун султони.  
Оти Ҳакимбекдир, элда даврони,  
Кўп айланма бунда, қалмоқ бемаъни.  
Хабар етса алп Алпомиш келмайми,  
Қалмоқларга қиёмат кун бўлмайми?<sup>10</sup>*

Мазкур мотив орқали Барчиннинг ақл-заковати, куч-қудрати ва ёрига бўлган садоқатини намоён бўлган.

“Алпомиш” достонида ака-укаларнинг қаллиқ талашиш баҳс мотивини ҳам учратиш мумкин: “*Бу сўзни эшишиб, Кўкалдош полвон:- (Кўкаманга) А жувормак, аканг кўзи тирик турганда, чечангга бориб тегинсанг, шундай таадди қиласи-да,..-деди. Шул вақт Қоражон келиб:-Биз қаллиқ ўйнаб юрган қизга сен туртаниб бориб (юрибсанми? – деди). Кўшикулоқ алп (айтди): Биз қалинидан қутилиб, қалин молини бериб, олмоқчи бўлиб юрган қизга ҳар қайсинг нимага борасан уриниб?! Кўкқашқа деган алп келиб, Кўкаманни бир мушиллади: - У қиз билан ваъда қилиб, ул тегмоқчи, биз олмоқчи бўлиб, ҳар қайсинг нимага борасан, уриниб?! Алларнинг ҳар қайсиси ҳам кўтарилиб,*<sup>11</sup> ўзаро баҳлашишди. Албатта мазкур баҳс мотиви орқали катта хурмат ҳамда акаларнинг укалардан олдин уйланиш одати асрлар мобайнида мавжудлиги кўзга ташланади.

Мухтасар қилиб айтганда, достондаги баҳс мотивлари муҳим эпизодлардан бўлиб, эпосни мазмунан бойитиб туради.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.Алпомиш. Т.: “Шарқ” НМК БТ, 1998.-Б.397.

2.Муродова М. Фольклор ва этнография.Тошкент, 2006.-Б.103.

---

<sup>10</sup> “Алпомиш”. Т.: “Шарқ” НМК БТ, 1998.-Б.65-66.

<sup>11</sup> “Алпомиш”. Т.: “Шарқ” НМК БТ, 1998.-Б.57-58.

3. Жўраев М. Фольклоршунослик асослари. Т.: Мерос, 2008.-Б.44.
4. Ўзбек фольклоршунослиги масалалари// Эргаш Жуманбулбул ўғлининг 150 йиллиги муносабати билан чоп этилган илмий мақолалар тўплами. Т.: Фан, 2018.-Б.192.
5. <https://e-tarix.uz/component/content/article/43-davlat/83-alpamish.html>
6. <http://ich.uz/uz/materials/articles-books/415-article-1>
7. <https://uza.uz/uz/posts/lib-ayta-tirilgan-doston-06-11-2019>
8. [https://uz.m.wikipedia.org/wiki/Motiv\\_\(adabiyotda\)](https://uz.m.wikipedia.org/wiki/Motiv_(adabiyotda))
9. <https://moscsp.ru/uz/motiv-v-literature-teoreticheskaya-poetika-ponyatiya-i.html>
10. Абдуллаев Х. Халқ оғзаки ижодида мотив тушунчаси/Interdiscipline innovation and scientific research conference. Буюк Британия, Лондон.-Б.51-53.